



Одамлар орасида аввалги пайғамбарлардан сақланиб қолған бир гап шуки: «Агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни қил!

Абу Масъуд разияллоху анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Одамлар орасида аввалги пайғамбарлардан сақланиб қолған бир гап шуки: «Агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни қил!».

[Түғри матн] [Бухорий ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам авлоддан авлодга ўтиб умматимизнинг биринчи авлодигача етиб келган, олдинги пайғамбарлардан қолған бир васият борлиги ҳақида хабар бердилар. У ҳам бўлса: «Қилмоқчи бўлган ишингга қара: агар у ишдан уялишга ҳожат бўлмаса, уни бажар; агар у иш уялишга арзийдиган нарса бўлса, уни тарк эт. Чунки ёмон ва қораланадиган ишлардан қайтарувчи нарса — ҳаёдир. Кимда ҳаё бўлмаса, у ҳар турли фахш ва мункар ишлар ичига чўкиб кетади».

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4559>

